Инв. №
Гос. книжная палата
24 ОКТ 1983

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 242 (5233).
24 ОКТЯБРЬ 1983 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини янада оширишга эришингиз! Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини зардбор меҳнат билан мустаҳкамлаш — ҳар бир меҳнатчининг ватанпарварлик бурчидир!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

# МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ УЛУҒ ОКТЯБРГА

## МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЯДИ

...Транспортёр лентаси бир маромда айланиб, унда юмшоқ булочкалар, бубликлар, миллий ширинликлар, пирожнийлар ва бошқа хуштаъм маҳсулотлар «оқиб» боряпти. Бугунги кунда булка-кондитер комбинати ўнлаб хилда маҳсулот ишлаб чиқаради. Унинг коллективи бутун куч ва имкониятларини ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажаришга қаратяпти. Бунинг учун бу ерда яхши замин яратилган. Йил бошидан бери корхона топшириққа қўшимча 1 миллион 24 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Ишлаб чиқариш конвейерларидан 226 тонна кондитер, 356 тонна макарон ва бошқа маҳсулотлар тушириб олинди.

5-кондитер ишлаб чиқаришидаги хамир қорувчи У. Деҳқонов, 2-булка-кондитер ишлаб чиқаришидаги новвой Х. Иллаев ва бошқалар юксак сифатли маҳсулот тайёрлаб, смена топшириқларини ортиғи билан адо этишяпти. Социалистик мусобақада 2-макарон ишлаб чиқариши коллективи яхши натижаларга эришяпти.

— Бугун биз учун «Қолоқларсиз ва исрофгарчиликсиз ишлайлик» шиори энг муҳим бўлиб қолди, — дейди 2-ишлаб чиқариш мудири Д. Шериметская. — Коммунистик меҳнат коллективи сифатида биз йиллик планни муддатидан беш кун аввал бажаришга қарор қилдик.

Ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни такомиллаштириш, оғир қўл меҳнатини механизациялаштириш давом этяпти. Яқинда узун макарон ишлаб чиқарадиган линия монтаж қилиб бўлинди. Ҳозир яна бир автоматлашган линия монтаж қилиняпти.

## ЯНАДА ЯХШИРОҚ ИШЛАЙЛИК

**«Ватаннинг юксак мукофоти зафарларга чорлайди!» — Тошкентнинг кўпгина меҳнат коллективларида бўлиб ўтган навбатдаги ленинча жумаликлардаги суҳбат ва лекцияларнинг мавзуи ана шундай бўлди.**

Меҳнаткашлар билан учрашувлар пайтида сиёсий ахборотчилар, пропагандистлар ва агитаторлар бу йил Ўзбекистон пойтахти учун алоҳида аҳамият касб этажаклигини таъкидладилар. Юбиляр-шаҳар байроғига Ленин ордени қадаб қўйилди.

Ватаннинг юксак мукофоти янада яхшироқ ишлашга юбилей вахтаси ютуқларини мустаҳкамлашга чорламоқда. Халқ хўжалигининг барча бўғинларида, ҳар бир ишчи ўрнида интизомни мустаҳкамлаш, уюшқоқликни қучайтириш бу борада муҳим аҳамият касб этади. Планлар ва мажбуриятларнинг бажарилишида шу кунларда бўлиб ўтаётган ҳисоботсайлов партия йиғилишлари ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

АКС САДО

**Мунозарани газетхонлар давом эттиришади**

МЕҲНАТ УЧУН ПУЛ БИЛАН МУКОФОТЛАШ СИСТЕМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИ ҚИФОЯ ҚИЛМАЙДИ, ҲАЛИ ХАРИДОРГИР БЎЛГАН ЗАРУР МИҚДОРДАГИ МОЛЛАРНИ ҲАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕРАК. БУНДА СИФАТ ҚУРСАТКИЧЛАРИ ҲЕЧ ҚАНДАЙ ИСТИСНОСИЗ ЭНГ ЮКСАК ДАРАЖАДА БЎЛИШИ КЕРАК.

Ю. В. АНДРОПОВ.

## СИФАТГА—АСОСИЙ ЭЪТИБОР

**Тошкентдаги 60 тадан кўпроқ корхонада 883 турдаги маҳсулотлар давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда. Улардан 716 тури халқ истеъмоли молларидир. Пахта териш машиналари ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик техникаси, кабель, мебель, тикув ва трикотаж буюмлари ҳамда бошқа маҳсулотлар мамлакатимиздаги энг яхши корхоналар ва чет эл фирмалари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар даражасида тайёрланмоқда.**

**Республикамизда Сифат белгиси берилган маҳсулотлар умумий миқдорининг 50 процентига яқини Тошкент корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Умумий ишлаб чиқариш ҳажмида бу маҳсулотлар салмоғи 17,2 процентни ташкил этади. Бу умумиттифоқ кўрсаткичлари ва республика кўрсаткичларига нисбатан бир мунча ортиқдир.**

**Бу соҳада кўп иш қилинган дейиш мумкин. Шу билан бир қаторда маҳсулотлар, айниқса кенг истеъмол молларининг зарур даражада сифатли бўлишини таъминлаш муаммоси ҳал этилган деб бўлмайди. 21 октябрь куни бўлиб ўтган республика партия-хўжалик активи кенгашида ана шулар ҳақида сўз борди.**

**Иш манфаатлари меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш системасини такомиллаштиришни, буни план ва шартнома интизоми бузилганлиги, буюмларнинг намуна қилинмаганлиги учун қатъий ва сўзсиз чора кўриш билан қўшиб боришни талаб қилади.**

**«Тошкент оқшоми» газетасида шу йил 15 июлда эълон қилинган «Харидор талаби — бош мезон» мақоласига жавобан мактуб йўллаган газетхонлар диққат-эътиборни худди шу масалаларга қаратмоқдалар. Редакция почтасида корхона маркаси шуҳрати учун курашни кучайтириш зарурлиги масаласи айниқса кескин қўйилмоқда. Бугун биз ана шундай хатлардан бирини эълон қилмоқдамиз.**

Ҳозирги пайтда айрим корхоналар Днепропетровск области ва Краснодар ўлкаси корхоналари тажрибаси асосида маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини такомиллаштириш ш г а киришдилар. Бу такомиллаштиришдан кўзланган мақсад фақат маҳсулот сифатини яхшилашгагина қаратилган эмас. Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватлари хом ашё, энергия, иш вақтидан оқилона фойдаланиш ҳисобига ресурсларнинг барча турлари — меҳнат, моддий-техника, молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланишни яхшилаш кўзда тутилмоқда.

Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш муваффақиятини таъминлашга кўмаклашиш учун ҳамма жойда иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар ҳалол, самарали меҳнатни, ташаббускорлик ва ишчанликни рағбатлантириш тўғрисида амалий ғамхўрлик қилишга қаратилиши керак. Қатор илғор корхоналарда иш худди шу йўналишда олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

КПСС XXVI съезди қарорларида белгилаб берилган халқ хўжалик вазифаларини ҳал қилишнинг асосий йўлларидан бири халқ хўжалигининг барча тармоқларида маҳсулот сифатини бошқариш бўйича прогрессив системаларни яратиш, уларни жорий этиш ва бу системалардан моҳирона фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришдан иборатдир. Бу ишларни ресурсларнинг барча турларидан самарали фойдаланиш билан қўшиб олиб бориш лозим.

Республика пойтахтининг кўпгина корхоналарида маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашда муҳим омил бўлиб қолди. Шаҳардаги 119 та корхонада ана шундай система жорий этилган ва муваффақиятли ишлатиляпти. Бу яхши натижалар бермоқда. Бундай системаларни жорий этишдан олинган иқтисодий самара 14 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этди.

Қоғозда эмас, балки амалда бу прогрессив система муваффақиятли жорий этилган илғор корхоналар тажрибаси унинг юксак самарали эканлигини исботлаб турибди. Одатда бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган олий сифат категорияли маҳсулотлар ҳажми каттадир. Уларнинг маҳсулоти харидорлар эътиборидан ҳеч қачон четда қолмайди. Завод ишида йўлга қўйилган брак жуда ҳам кам.

## КУЗ МАВСУМИГА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи куз мавсумига мўлжалланган янги маҳсулот — сунъий чармдан эркаклар костюмини ишлаб чиқара бошлади.

Бу — бирлашманинг давлат Сифат белгисини олиш учун аттестациядан ўтказилган 57-моделидир.

## БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

*ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР*

### «ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 22 октябрга бўлган маълумот.**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Хоразм | 1,58 | 86,95 | 1,17 | 45,28 |
| Тошкент | 1,48 | 81,17 | 1,24 | 67,30 |
| ҚҚАССР | 1,64 | 80,53 | 1,40 | 53,20 |
| Бўхоро | 0,87 | 75,15 | 0,10 | 7,74 |
| Навоий | 1,61 | 64,52 | 0,85 | 17,17 |
| Қашқадарё | 1,68 | 64,44 | 1,54 | 35,34 |
| Наманган | 1,33 | 62,98 | 0,96 | 34,93 |
| Фарғона | 1,01 | 62,83 | 0,18 | 7,17 |
| Сирдарё | 1,24 | 62,14 | 0,73 | 53,73 |
| Сурхондарё | 1,10 | 61,23 | 0,61 | 32,96 |
| Самарқанд | 1,40 | 60,71 | 0,89 | 20,47 |
| Андижон | 1,07 | 60,36 | 0,40 | 16,53 |
| Жиззах | 1,21 | 56,78 | 0,72 | 55,28 |
| Республика бўйича: | 1,29 | 67,06 | 0,83 | 34,67 |

РЕСПУБЛИКАДА ЯШОВЧИ ҲАР БИР КИШИ ҲОЗИР ВАТАНГА КАМИДА 6 МИЛЛИОН ТОННА «ОҚ ОЛТИН» БЕРИШДАН ИБОРАТ УЗ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧИНИ АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ҲИС ЭТИБ ТУРИБДИ. БИЗНИНГ БУТУН ФИКР-ЗИКРИМИЗ ВА МУДДАОЛАРИМИЗ ШУ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАН.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан).

Кўплаб олий ва ўрта махсус ўқув юртларқатори ҳунар-техника билим юртларининг коллективлари ҳам эўр ғайрат-шижоат кўрсатиб, қўриқ ер пахтакорлари оғирини енгил қилмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 5-техника билим юрти коллективи эса Жиззах области Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхозда теримда жонбозлик кўрсатмоқда. Курсдошларига намуна бўлаётган 3-курс ўқувчиси Дилфуза Асадуллаева ўз меҳнатидан мамнун.

Сирдарё область Боёвут районидаги «1-Боёвут» совхозида пахта тераётган 63-ҳунар-техника билим юртининг энг яхши теримчи-ларидан бири Павел Бондер.

Т. Каримов фотолари.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ
газеталари, Ўзбекистон радиоси ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази

Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Хатамов, А. Эгамназаров, А. Абдуразоқовларнинг репортажини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

## ТОШКЕНТЛИКЛАР—ФРАНЦИЯ МЕҲМОНИ

БУГУН

— Маълумки, серқуёш республикамизнинг пойтахти — қадимий ва навқирон Тошкент шаҳри сентябрь ойида ўзининг 2000 йиллик тўйини катта тантана билан нишонлади. Бу сана умуман республикамиз, қолаверса мамлакатимиз маданий ва тарихий ҳаётида унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолади. Бу ерда шу нарсани қувонч билан айтиб ўтиш керакки, Тошкент шаҳри айниқса, Совет ҳокимияти йилларида мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Бугунги кунда унинг саноати, маданияти, фани ютуқлари барча қардошларимизни, шу жумладан, жаҳондаги тинчликсевар кишиларни қизиқтирмоқда. Тошкент шаҳри ер курраси даги бир қатор шаҳарлар — Тунис, Триполи, Карочи, Патнёла, Скопье, Сиэтл билан биродарлик алоқаларини ўрнатган.

Тошкент шаҳри вакиллари Франциянинг Марсель, Монтелье, Обан, Париж шаҳарларида 30 октябрга ҳисобланмоқда. Америка жамоатчилиги АҚШнинг 30 штатида урушга қарши йирик намойишлар ўтказишга тайёрланмоқда. Колорадо штатининг 20 мингга яқин аҳолиси Вашингтоннинг милитаристик йўлини қатъий равишда рад этдилар.

БМТ ва Жаҳон тинчлик кенгашининг ташаббуси билан шу йил 24—31 октябрда ўтказиладиган қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталиги урушга қарши оммавий намойишларнинг янада кенг кўламда олиб борилиши билан нишонланади.

Европа ва бошқа қитъаларда урушга қарши ҳаракат кенг авж олиб борилаётганлиги халқ оммасининг милитаризм кучларини тўхтатиб қолиш, дунёнинг ядро ҳалокати гирдобига тойиб кетиши олдини олиш учун биргаликда куч-ғайратни кўпайтириш зарурлигини чуқурроқ тушуниб олаётганлигидан далолат беради. Инсоният тақдири тўғрисида чинакам ғамхўрлик, қуролланиш пойгасини жиловлаб кўйиш, ядро урушининг олдини олиш, халқаро муносабатларни тўғри йўлга солиб юбориш учун зўр қатъият руҳи билан сўрилган совет амалий тинчлик ташаббуслари тинчлик учун курашчиларга мадад бермоқда.

Р. СЕРЕБРЕННИКОВ, ТАСС шарҳчиси.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

## ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН ДЕБ

1983 йилнинг охири Европада, бу қитъадагина эмас, балки бутун планетамизда тинчлик ва хавфсизлик тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. АҚШ ва НАТО раҳбарларининг Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатлар территорияларида Америка «Першинглари» ва қанотли ракеталарини жойлаштиришни жадаллаштиришдан иборат телбаларча авантюристик йўли миллионмиллион кишиларнинг қудратли қаҳр-ғазабига дуч келмоқда. «Европага— тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик» шиори турли сиёсий эътиқод ва касбдаги кишиларни, қуролланиш пойгаси мислсиз авж олдирилиб, ядро фалокати хавфи кучайиб бораётганлигидан ташвишланаётган барча кишиларни бирлаштирмоқда.

Кипрда Болқон ва Дунай бўйи мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотларининг ташаббуси билан «Европа ва Болқон мамлакатлари ядродан холи зона бўлсин» шиори остида тинчлик юриши ўтказилмоқда. Америка жамоатчилиги АҚШнинг 30 штатида урушга қарши йирик намойишлар ўтказишга тайёрланмоқда. Колорадо штатининг 20 мингга яқин аҳолиси Вашингтоннинг милитаристик йўлини қатъий равишда рад этдилар.

БМТ ва Жаҳон тинчлик кенгашининг ташаббуси билан шу йил 24—31 октябрда ўтказиладиган қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталиги урушга қарши оммавий намойишларнинг янада кенг кўламда олиб борилиши билан нишонланади.

Европа ва бошқа қитъаларда урушга қарши ҳаракат кенг авж олиб борилаётганлиги халқ оммасининг милитаризм кучларини тўхтатиб қолиш, дунёнинг ядро ҳалокати гирдобига тойиб кетиши олдини олиш учун биргаликда куч-ғайратни кўпайтириш зарурлигини чуқурроқ тушуниб олаётганлигидан далолат беради. Инсоният тақдири тўғрисида чинакам ғамхўрлик, қуролланиш пойгасини жиловлаб кўйиш, ядро урушининг олдини олиш, халқаро муносабатларни тўғри йўлга солиб юбориш учун зўр қатъият руҳи билан сўрилган совет амалий тинчлик ташаббуслари тинчлик учун курашчиларга мадад бермоқда.

Р. СЕРЕБРЕННИКОВ, ТАСС шарҳчиси.

## тонгги газеталарда

● «Ер юзида тинчликни сақлаб қолайлик» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

## Сабзавот—ҳамшаҳарларимиз дастурхонига

**Тошкент районлари бўйича сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва жамғариш плани бажарилишининг борыши тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Йиллик топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

(Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган, учинчи устун — сақлаш учун жамғарилган).

| | | |
|---|---|---|
| Акмал Икромов райони | 99,9 | 79,7 |
| Куйбишев райони | 94,1 | 82,6 |
| Октябрь райони | 91,9 | 89,6 |
| Чилонзор райони | 89,1 | 92,7 |
| Фрунзе райони | 88,2 | 70,4 |
| Собир Раҳимов райони | 86,6 | 72,8 |
| Ленин райони | 79,1 | 67,5 |
| Сергели райони | 78,3 | 70,7 |
| Киров райони | 75,7 | 68,4 |
| Ҳамза райони | 72,1 | 77,3 |
| Шаҳар бўйича жами | 84,9 | 75,7 |

Шарҳ. Сабзавот маҳсулотларининг сифатли сақланишини таъминлаш учун омборларнинг аҳволини, сабзавотлар сақланадиган идишларнинг аҳволини, саралаш ва қадоқлаш линияларининг ишини қайта ва қайта текшириб чиқиш лозим. Чилонзор ва Октябрь районларидан бошқа барча районларда сабзавотларни сақлаш учун жамғариш сусткашлик билан олиб борилмоқда. Тайёрловчилар бой берилган вақтдан ютишлари, ёғин-сочинли кунлар бошлангунга қадар ўз фаолиятларини активлаштиришлари лозим.

## ● Сўнгги соатда...

## «ПАХТАКОР»—МАСК—1:0

Пахтакорчилар ўз майдонларидаги сўнгги учрашувни уюшқоқлик билан ўтказдилар. Улар охирги ўйинда ўз муҳлисларини мамнун қилиш ниятида бўлсалар керак, бунинг уддасидан чиқишди.

Биринчи таймнинг ўрталарида Константин Новиков ўнг қанотдан узатилган тўпни боши билан москваликлар дарвозасига йўллашга муваффақ бўлди — 1:0. Бу ҳисоб ўйиннинг охиригача ўзгаргани йўқ. Армиячиларнинг мағлубиятдан қутилиш йўлидаги барча уринишлари самарасиз тугади.

Бу галабадан сўнг тошкентликлар турнир жадвалидаги ўз мавқеларини бирмунча яхшилаб олдилар. Қолган икки учрашувни улар сафарда ўтказишади. «Пахтакор» 28 октябрда Вильнюсда «Жальгирис» билан ва 6 ноябрда Минскнинг «Динамо» командалари билан ўйнайди.

Кеча бўлиб ўтган бошқа учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Зенит» —«Торпедо» (М) — 3:2, «Нистру» — «Днепр» — 0:1, «Нефтчи» — «Динамо» (К) — 2:0, «Черноморец» — «Шахтёр» — 2:1, «Динамо» (М) — «Жальгирис» — 2:1, «Динамо» (Тб) —«Металлист» — 0:0.

**ТУРНИР ЖАДВАЛИ**
**24 октябрга бўлган аҳвол**

| | Ў | Ю | Д | М | Т—Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| «Днепр» | 32 | 20 | 5 | 7 | 56—33 | 45 |
| «Спартак» | 31 | 17 | 9 | 5 | 54—19 | 43 |
| «Зенит» | 32 | 14 | 11 | 7 | 41—30 | 38 |
| «Динамо» (Мн) | 31 | 14 | 9 | 8 | 45—33 | 37 |
| «Жальгирис» | 32 | 14 | 9 | 9 | 36—35 | 37 |
| «Торпедо» (М) | 32 | 13 | 10 | 9 | 39—34 | 36 |
| «Шахтёр» | 32 | 16 | 3 | 13 | 48—35 | 35 |
| «Черноморец» | 33 | 15 | 5 | 13 | 40—45 | 35 |
| «Пахтакор» | 32 | 13 | 9 | 10 | 36—30 | 35 |
| «Динамо» (К) | 32 | 12 | 10 | 10 | 39—34 | 34 |
| МАСК | 32 | 10 | 12 | 10 | 35—31 | 30 |
| «Металлист» | 32 | 11 | 7 | 14 | 37—40 | 29 |
| «Нефтчи» | 32 | 10 | 9 | 13 | 31—36 | 29 |
| «Арарат» | 32 | 11 | 6 | 15 | 29—44 | 28 |
| «Динамо» (Тб) | 31 | 8 | 9 | 14 | 40—46 | 25 |
| «Динамо» (М) | 31 | 7 | 11 | 13 | 27—34 | 24 |
| «Торпедо» (Кт) | 32 | 4 | 12 | 16 | 26—49 | 18 |
| «Нистру» | 33 | 3 | 4 | 26 | 18—69 | 10 |

Таблицада бугун бўладиган «Спартак» (М) — «Динамо» (М) учрашуви натижаси ҳисобга олинмаган.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

# ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг партия ташкилоти ҳисобот даврида бир қатор ишларни олиб борди. Бу ерда студентларни қабул қилишдан тортиб, то битиришгача бўлган ўқитиш ва тарбиялаш ишларининг комплекс планларини тузиш шаклланди ва амалда яхши натижа кўрсатди. Ўқув-тарбия жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини планлаштиришнинг бундай усули ўқитувчилар, комсомол, касаба союз ташкилотларининг диққат-эътиборини бўлгуси мутахассисларнинг касб маҳорати ва маънавий бойлигини оширишга қаратиш имконини берди.

Бугунги кунда олий мактаб олдига қўйилаётган талабларни бажариш борасида ўз олдига алоҳида вазифа қўйган партия ташкилоти касб ва ахлоқ тарбияси системасида самарадорликка эришиш, уларнинг бир-бири билан алоқасини мустаҳкамлашнинг форма ва воситаларини излаб топиш учун бутун куч-ғайратини бир мақсадга мужассамлаштирди.

Партия комитети, илмий кенгаш кейинги йилларда ўқитувчиларнинг аттестациясини такомиллаштириш, уларнинг ўзи ўқиётган фанга бўлган талабчанлигини ошириш, назария ва таълим методикаси ҳамда коммунистик тарбия, ўқув-тарбия вазифаларини оқилона аниқлаш, студентларнинг социал-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли методик усуллардан фойдаланишга катта эътибор бериб келмоқда. Партия комитети секретари Р. С. Тошмуҳамедованинг ҳисобот-докладида ўтдиганидек, факультетларнинг партия ташкилотлари ўқитувчилик маҳоратини ошириш масалалари, ёш ўқитувчиларга методик кўникмани сингдиришга етарли эътибор бермаётирлар, илмий-методик конференциялар кам ўтказилмоқда.

Шу нарса маълумки, ўқиш ва илмий иш бирга қўшиб олиб борилганида, ўқитувчиларнинг илмий малакасини такомиллаштириш ва уларнинг тадқиқотларда фаол иштирок этишини таъминлашга етарли эътибор берилгандагина мутахассислар тайёрлаш сифатини самарали оширишга эришиш мумкин. Ҳисобот даврида олимлар 16 монография, 32 методик кўрсатма, 8 ўқув қўлланмаси нашр этдилар, 14 та авторлик гувоҳномаси олинди, 115 та рационализаторлик таклифи киритилди, 3 та докторлик ва 24 та кандидатлик диссертацияси ёқланди. Институт республиканинг 5 областига оталиқ ёрдами кўрсатиши натижасида болалар орасида касаллик ва ўлим ҳоллари бир мунча камайди. Институт ректори, профессор В. В. Мажидов ўз сўзида ана шу ҳақда гапирди. КПСС Марказий Комитети, июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида юқумли гепатит, ичак юқумли касалликлари, ўткир пневмония ва бошқа касалликларни даволаш ва профилактика ишларида қатнашуви туфайли оталиқ районларида янги туғилган чақалоқларнинг саломатлик кўрсаткичлари яхшиланиб бормоқда.

Институт партия ташкилоти студентлар ва ходимлар ўртасида меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг муштараклигини таъминлаш бўйича идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишлар борасида диққатга сазовор иш олиб бормоқда. Институт студентлари ҳар йили пахта терим мавсумида ва ёзги меҳнат семестрида муваффақиятли қатнашмоқда. Бу йилги меҳнат семестрининг натижаларига кўра 650 минг сўмдан зиёд капитал маблағ ўзлаштириб, Тошкентнинг 19 олий ўқув юрти ўртасида 3 ўрин эгалланди. Институт комсомоллари тинчлик юришида фаол қатнашмоқдалар, тинчлик фондига 20 минг сўмдан зиёд пул ўтказилди.

Ҳисобот докладида ва коммунистлар С. В. Акбаров, Г. Ҳамраеваларнинг нутқларида институт комсомол комитетининг студентлар ўртасида интизом ва уларнинг ўқишда улгуришини ошириш бўйича ижобий иш олиб бораётганлиги айтиб ўтилди. Лекин, олий ўқув юртида ўқишда улгуриш янада юксак бўлиши учун ҳали ҳамма тошириқлар бажариб бўлинганича йўқ.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши институт партия ташкилотининг айниқса, ўқув-методика ва ғоявий-тарбиявий иш соҳасидаги кўп қиррали фаолиятини яхшилашга қаратилган аниқ қарорлар қабул қилди.

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти партия ҳисобот-сайлов йиғилиши ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари А. М. Хўжаев қатнашди.

**В. БОЗОРОВА,**

**Ўрта Осиё медицина педиатрия институти «Педиатр» газетаси редактори.**

• ОЛТИ МИЛЛИОН ЙЎЛЛАРИДА

# 28. ШАҲАРЛИК ДЎСТЛАР ҲИССАСИ

Жиззах деҳқонлари фақат яхши пахтакорғина эмас, балки моҳир соҳибкор, сабзавоткор ҳамдир. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бу турларидан ҳар йили мўл-кўл ҳосил етиштиришяпти. Жиззахликлар айниқса, бу йил яхши ютуқларга эришишди. Давлатга жами 62,5 тонна сабзавот, 154 минг тонна полиз маҳсулоти, 5,9 минг тонна картошка, 50 минг тоннадан ортиқ мева ва узум сотилиб, топшириқ 114 процент қилиб адо этилди. Деҳқонлар бу катта миқдордаги маҳсулотнинг асосий қисмини Тошкент шаҳри аҳолисига етказиб беришди.

Жиззахлик соҳибкор ва сабзавоткорларнинг қўлга киритаётган ютуқларида Арнасой районидаги деҳқонларининг муносиб ҳиссаси бор. Шуни айтиш керакки, ҳар йили район чўлқуварлари етиштирган сабзавот ва полиз маҳсулотларни ортилган қизил карвон икки-уч марта Тошкентнинг Акмал Икромов ва Чилонзор районларига йўл оладди. Деҳқонлар дала неъматларини шаҳарлик дўстларига арзон нархда сотадилар.

Райондаги Юлиус Фучик номли совхозда С. Деҳқонов бошлиқ бригаданинг номи кўриқ областда кўпчиликка таниш.

— Бизнинг ҳар бир меҳнат муваффақиятимизда шаҳарлик дўстларнинг ҳиссаси бор, — деди биз билан суҳбатда илғор бригада етакчиси. — Районимиздаги ҳамма совхозлар нисбатан янги, ташкил этилганига ҳали ўн йил ҳам бўлгани йўқ. Улардаги посёлкалар, дренажларни лойиҳалашда тошкентлик мутахассислар катта хизмат қилишган. Бир қатор зарур қурилиш материалларини Тошкент шаҳридаги корхоналар етказиб берган. Ҳозирги пахта ҳосили учун курашимизда ҳам тошкентликлар биз билан бир сафда меҳнат қиляпти. Тошкентликларнинг айниқса, шу кунларда — пахта йиғим-терими қизғин давом этаётган дамларда чўлқуварларга кўрсатаётган ёрдами самарали бўляпти.

Райондаги маршал Рокоссовский номли совхоз 3 минг гектар майдонда деҳқончилик қилади. Чўлқуварлар ҳар гектардан 32 центнердан ҳосил кўтариш учун кураш олиб боришяпти. Мана ўн беш кундирки, уларнинг бу курашида электротехника мактаби студентлари мададкор бўлишяпти. Электротехника-медицина институтининг юридик техникуми студентлари мададкор бўлишяпти. Электротехника-медицина институтининг юридик техникумидан келган 900 га яқин студент ва ўқитувчи совхознинг 10 та дала шийпонига жойлашди. Совхоз маъмурияти уларнинг намунали меҳнат қилиши ва кўнгилли дам олиши учун мумкин бўлган барча шароитларни яратиб берган.

Бизга техникум пахта штабида совхоз маъмурияти ҳашаршилар рағбатлантириш бўйича ишлаб чиққан тадбирлар планини кўрсатишди. Совхозда ўқув юртлари ўртасида 200 сўм мукофоти билан битта Қизил байроқ, ўқув юртлари группалари ўртасида 2 та Қизил вимпель таъсис этилибди. Қизил вимпелнинг 100 сўм ва 50 сўмлик пул мукофотлари бор. Бундан ташқари теримда яхши натижаларга эришган студентлар учун ҳам 3 та мукофот белгиланган. Бу мукофотларни совхоз маъмурияти беш кунлик натижаларига қараб бериб боради.

Студентлар орасида бригадаларо ва шахсий мусобақалар кун сайин қизияпти. С. Муродов, П. Савельев, Ғ. Ҳабибуллаев бошлиқ бригадалар пахтани тез ва соз теришда барчага намуна бўлишяпти. Мазкур бригадаларда ҳар бир студент хирмонга ўртача 60—65 килограммдан пахта тўкяпти.

Ғайрат Ҳабибуллаев бошлиқ студентлар совхозининг 4-бўлимидаги Норйигит Турсунов бошлиқ бригада пахтазорларида меҳнат қилаётган экан. Студентлар «зангори кема»лар бир-икки юрган карталарда тартиб билан меҳнат қилиб, бир мисқол пахтани ҳам увол қилмай этакларига солишяпти. Ҳосил салмоғи чакки эмас. Норйигит Турсунов бригадирликни бундан икки йил аввал армия хизматидан қайтиб келиб, кексайиб қолган отаси Ҳаким Турсуновдан қабул қилиб олган экан. Шу кунларда Ҳаким отанинг ўзи ҳам этак тутиб пахта теряпти. Унинг яна бир ўғли Шерйигит Турсунов, жияни Неъмат Ҳаққулов ҳам у билан ёнма-ён меҳнат жасорати кўрсатишяпти.

Ўғил отанинг меҳнат эстафетасини муваффақият билан давом эттиряпти. Ўтган йили бу бригада ҳар гектардан 33 центнердан ҳосил бериб, план ва мажбуриятларини ортиғи билан адо этганди. Бу йил ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун курашяпти.

Ота-бола пахтакорлар шаҳарлик ёшлар кўмаги ҳақида бизга миннатдорчилик билан гапиришди. Техникумнинг III курс студентлари Одина Исмоилова, Ориф Исаев, Орзигул Жалоловаларнинг фидокорлиги ҳақида таҳсинлар айтишди.

Хирмонга бир этак пахта орқалаган ўрта бўй, хушбичим қиз келди. Бу илғор теримчи Одина Исмоилова эди. Торозибон этакдаги пахтани ўлчаб, хирмонга тўкишни буюрди. Биз торозибондан Одина Исмоилованинг жами терган пахтаси неча килограмм бўлганлигини сўрадик. У «92 килограмм», деди. Бу пайтда ҳали кун ботмаган, пахта терими давом этаётган эди.

Техникум ўқитувчилари Одинанинг ғоят қувноқ ва ғайратли қиз эканлигини таъкидлашди. У ўқишда ҳам аълочи экан.

Электротехника-медицина техникумида бундай фидокор ёшлар кўп. Студентлардан Розия Шарипова, Шарофат Лолаева, Абдуғафур Маҳкамов, Чори Расулов, Шавкат Турдиалиевлар ҳам шу кунларда қунига хирмонга 100-110 килограмм пахта тўкиб, юксак онглилик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатишяпти. Рокоссовский номли совхоз маъмурияти бу ёшларнинг меҳнатини муносиб тақдирламоқда.

* * *

**СУРАТЛАРДА:** Арнасой районидаги Рокоссовский номли совхоз пахтакорларига электротехника-медицина техникумининг ўқувчилари астойдил ёрдам бермоқдалар.

1. III курс студенти Орзигул Жалолова ҳар куни 100 килограммдан ошириб пахта термоқда.

2. Моҳир пахтакор, мураббий Ҳаким ота Турсунов техникум партия комитетининг секретари Талгат Ҳамитов билан пахтани тез ва соз териш ҳақида суҳбатлашмоқда.

**Т. Каримов** фотолари.

# СИФАТГА—АСОСИЙ ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пойтахтдаги «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган пальто ҳамиша харидоргир ҳисобланади. Бу ерда маҳсулотларнинг 118 турига давлат Сифат белгиси берилган. Бу маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги салмоғи 68,3 процентни ташкил этади. Бирлашма тикувчилари муваффақияти барқарорлигининг сири — харидорлар эҳтиёжини доимий ўрганиб боришда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни, технологик жараёнларни такомиллаштирдир. Бирлашма коллективи модани, унинг ривожланиш йўналишларини кузатиб боради, такомиллашган технологик жараёнларни, янги техникани тез жорий этади.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари 15 минг адрес бўйлаб жўнатилади. Бирлашма маҳсулотлари жаҳондаги 30 та мамлакатга ҳам экспорт қилинади.

Бирлашмада атом электростанциялари, ер бойликларини • геофизик усулда тадбиқ этиш учун кабель маҳсулотлари, транспортни электрлаштириш учун контактли симлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 35 турига давлат Сифат белгиси берилган.

Бу корхонада ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланишга оқилона ёндошилади. Улардан турли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Бу — телевизор ва радио антенналари учун симлар, турли мақсадларда фойдаланадиган симлар, эспандерлар, болалар учун сакрамачоқлар, автомобилга хизмат кўрсатишда фойдаланадиган буюмлардир.

Агрегат заводида давлат Сифат белгиси берилган асосий маҳсулотлар — редукторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва комбайнлари учун турли қисмлар билан бир қаторда кўпгина халқ истеъмоли моллари ҳам ишлаб чиқарилади. Бу ерда болалар спорт роллери, нарвон ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Ўйда нива ва сабзавотларни консервалашда фойдаланадиган қопқоқ бекитувчи машинага эса давлат Сифат белгиси берилган.

Шундай экан нима учун илғорлар тажрибаси яхши оммалаштирилмаяпти?

Ҳали кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари харидоргир моллар ишлаб чиқариш учун барча чораларни кўраётганлари йўқ. Бунда улар турли объектив ва субъектив сабабларни — хом ашё ва материаллар тўла етказиб берилмаслигини, зарур дастгоҳлар йўқлигини ва бошқа нарсаларни баҳона қиладилар. Бу корхоналарда маҳсулот сифатини яхшилаш учун ўз имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилмайди.

Натижада магазинларда, омбор ва базаларда харидоргир бўлмаган тикув ва трикотаж буюмлари, газмоллар, пойафзаллар кўп миқдорда тўпланиб қолади. Одатда булар ранглари хира бўлган газмоллар, эскича фасонда тикилган либос ва костюмлар, қўпол пойафзалдир.

Бундан биринчи навбатда рассомлар ва моделчилар зарур даражада ташаббускорлик кўрсатмаяптилар ва ижодий изланмаяптилар деган хулоса чиқади. Ваҳоланки, Тошкентда енгил саноатнинг тикув, пойафзал ва трикотаж соҳалари бўйича иш олиб борадиган республика моделлар уйи ишлаб турибди.

Бугунги кунда маҳсулот сифати корхона фаолияти натижаларининг умумлаштирувчи кўрсаткичи ҳисобланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатида бу ишга фаннинг қўшаётган ҳиссаси, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси, коллективнинг бутун фаолияти марказлашган ҳолда ўз аксини топади.

Госстандартнинг Ўзбекистон республика бошқармаси шаҳардаги барча корхоналарда, шу жумладан, енгил саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини мунтазам равишда назорат қилиб боради. Маҳсулотларнинг лойиҳалаш вақтида ва кўплаб ишлаб чиқариш даврида давлат стандарти ва техникавий шартларга мувофиқлиги ҳам текшириб борилади.

Фақат шу йилнинг ўзида пойафзал, тикув, трикотаж тармоқларининг қатор корхоналари, Ўзбекистон ССР енгил саноати министрлигининг моделлар уйи текширувдан ўтказилди.

Бу текширувлар умуман олганда тармоқда стандартлаш бўйича ишлар аҳволи яхшиланганлигини кўрсатди. Пойафзал, тикув ва трикотаж буюмларини комплекс стандартлаш программасини ишлаб чиқиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бир қаторда пойафзал, кийим-бошларнинг айрим нусхалари мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилаётган худди ана шундай молларга нисбатан ишлатилаётган материаллари, ташқи кўриниши бўйича сифатсизроқдир.

ЦПТКБ, пойафзал, кийим-кечак республика моделлар уйлари зиммаларига юклатилган барча вазифаларни бажармаяптилар. Улар маҳсулотларни яратиш, синаб кўриш ва ишлаб чиқариш босқичларида стандартларга риоя қилиниши устидан контроль ва авторлик назоратини бўш олиб бормоқдалар. Ҳамон янги пойафзал ва кийим-бош моделларини яратиш, уларни кўплаб ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатлари чўзиб юборилмоқда. Пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-фабрика, тикув ва трикотаж бирлашмаларида ва қатор корхоналарда стандарт талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар ҳали ҳам ишлаб чиқариляпти.

Албатта, бундай корхоналар брак маҳсулотлардан зарар кўрмоқдалар. Улар сифатсиз, ностандарт маҳсулотлар етказиб бераётганликлари учун жарима тўлашади. Оқибатда анчагина ишчи ва моддий техника ресурслари савдо тармоқларидан қайтариб юборилган сифатсиз маҳсулотни қайта тайёрлашга жалб этиляпти. Бу эса ўз планларинигина эмас, шунингдек, шартнома мажбуриятларини и н г бажарилишини ҳам барбод қилишга олиб келяпти. Савдо ташкилотларида эса шу туфайли маҳсулотлар етказиб берилишида узилишларга йўл қўйилади.

Афсуски, баъзи ҳолларда бу давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотларда ҳам учраб турибди. Бунинг сабаби нимада? Тажриба бунинг асосий сабаби (бундай ҳолларнинг 75 процентида) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати корхонанинг айби билан ёмонлашаётганлигини кўрсатади. Бу корхоналарда технологик интизомга риоя қилинмайди, фойдаланишга яроқсиз бўлган контроль-ўлчов асбобларидан фойдаланилади.

Техника контроли фаолиятида ҳам бирор-бир жиддий ўзгариш рўй бермаганлиги кишини ажаблантиради. Ваҳоланки, ОТК тўғрисида янги низом 1979 йил декабрида тасдиқланган эди, ОТК енгил, шунингдек, саноатнинг бошқа тармоқларида брак йўлида ишонарли тўсиқ бўла олмаяпти. Стандарт ва техникавий шартларни бузаётган корхона ва ташкилотлар ҳали ҳам кўп.

Енгил саноат, шунингдек озиқ-овқат саноати, мева-сабзавот хўжалиги, гўшт ва сут саноати министрликларида, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва «Ўзбекбирлашув»даги ишлар аҳволи айниқса қониқарсиздир.

Беш йилликнинг икки ярим йили мобайнида Госстандартнинг Ўзбекистон республика бошқармаси стандартсиз, сифатсиз ва комплектланмаган маҳсулот ишлаб чиқарилганлик учун шаҳар бўйича 785 марта маҳсулотларнинг бир қисмини жўнатишни ман этиб қўйди.

Ўз вақтида шаҳардаги 4 та корхонада шу жумладан, «Узбексельмаш» бирлашмаси ва «Ташхимсельмаш» заводида маҳсулотларни қабул қилиб олиш тўғрисида алоҳида тартиб ўрнатилган эди. Бу корхоналарда стандарт талаблари мунтазам равишда бузиларди. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси эса техникавий шартлар ва намунали нусхага мос бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлай олмаётган эди.

Иш манфаатлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни, республика пойтахтида ишлаб чиқарилаётган буюмлар сифатини яхшилашни талаб этмоқда. «Тошкентда тайёрланган — демак аъло сифатли» деган шиорни ўртага ташлашнинг ўзи камлик қилади. Муҳими, шу куннинг талабига жавоб берадиган маҳсулотларни барқарор ишлаб чиқаришни таъминлашдир.

**М. МИРСОАТОВ,**

**Ўзбекистон давлат стандартлари республика бошқармасининг бошлиғи.**

2 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

24 ОКТЯБРЬ, 1983 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## БАЙРАМОЛДИ ВАХТАСИ

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясининг асосий ғалла кони — Селенгин аймоғининг механизаторлари Октябрь олди меҳнат вахтасида турдилар. Шу кунларда Монголияда ўтаётган ананавий монгол-совет дўстлиги ойлиги кунларида авж олдириб юборилган социалистик мусобақа давомида далаларнинг меҳнатчилари ҳозиргача деярли 220 минг тонна дон йиғиштириб олдилар. «Баян-хаят», «Номгон», «Ероо», «Найрамдал» давлат хўжаликлари ва бир қанча бошқа деҳқончилик хўжаликлари давлат плантопшириқларини ҳозирдаёқ ошириб адо этдилар. Аймоқ ғаллакорлари ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олиб, Улуғ Октябрь кунигача омборларга планга қўшимча равишда 30 минг тонна дон тўкишга қарор қилдилар.

## Партия ўқувида янги йил

ПРАГА. Чехословакия Коммунистик партияси партия ўқуви системасида янги ўқиш йили бошланди. Коммунистлар ва партиясизлардан бир ярим миллионга яқин киши марксизм-ленинизм назарияси ва ЧКП сиёсати масалаларини, СССРда ва бошқа қардош мамлакатларда социалистик қурилиш тажрибасини ўрганади. 160 мингга яқин пропагандист ва лектор назарий билимлар бойлигини ўзлаштиришда тингловчиларга кўмаклашди.

ЧКП XVI съезди, КПССнинг XXVI съезди ҳужжатларини, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Коммунист» журналида эълон қилинган «Карл Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари» мақоласини, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми материалларини ўрганиш ўқув программасига киритилган.

Коммунистларни н г ўқиш сифатини ошириш учун тегишли шарт-шароитлар яратилган. Аввалги йилларда бўлганидек, партия — сиёсий маорифнинг бошланғич, ўрта ва юқори бўғинлари ишлаб турибди. Бунда ёш коммунистлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Марксизм-ленинизм кечки университетларида ўқиш билан бирга ёш коммунистлар мактабларида ва марксизм-ленинизм асослари мактабларида таълим оладилар.

Тингловчиларга ёрдам тариқасида социалистик қурилиш назарияси ва практикаси масалаларига бағишланган бир қанча китоблар ва илмий ишлар босмадан чиқарилди.

## ЗАМОНАВИЙ ИНШООТ

СОФИЯ. Бургасдаги И. Бояжиев номли кемасозлик заводида кўп юк кўтарадиган кемаларни стапелларидан туширишни учун мўлжалланган ноёб иншоот қурилиши якунловчи босқичга кирди. Бу иншоот БХР билан ГДР ўртасидаги илмий-техникавий интеграция самараси бўлиб, сермеҳнат ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириши лозим. Қурувчилар ва монтажчилар Европада шундай типдаги энг замонавий иншоот бўлмиш ана шу объектни муддатидан илгари — Улуғ Октябрь революциясининг 66 йиллигигача фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар. Байрам арафасида Совет Иттифоқи учун мўлжалланган ва 5 минг тонна юк кўтарадиган «Каспий» типидаги биринчи танкер ҳам сувга туширилади.

## ҒОЛИБЛАРГА СОВРИНЛАР

ПРАГА. Чехословакия пойтахтидаги энг яхши билим юртларининг намояндаларига эсдалик совринлари, кубоклар, фахрий ёрлиқлар тантанали вазиятда топширилди. Улар Прагадаги ҳунар-техника билим юртларининг анъанавий олимпиадасида ғолиб чиқдилар. Бундай олимпиадада ҳар йили йигит ва қизлардан 50 мингдан кўпроқ киши қатнашмоқда. Бу тадбир ишчи-ёшлар ўртасида доимо зўр қизиқиш туғдирмоқда. Унда ғолиб чиқиш осон эмас. Бунинг учун бўлғуси касб сирларини жуда яхши билиш, иқтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда кенг савияга эга бўлиш лозим.

## Республикада биринчи

ХАНОЙ. Вьетнам пойтахти чеккасида жойлашган «Иншо» кооперативида республикада биринчи қишлоқ фан ва техника клуби очилди. Бу ерда деҳқонлар ватан ва чет эл агрономия фанининг сўнгги ютуқлари билан танишишлари, олимлар ва инженерлар билан учрашувларда қатнашишлари, илғор хўжаликларнинг тажрибасини ўрганишлари мумкин. Клубда янги илмий-оммабоп фильмларнинг кўриклари мунтазам равишда ўтказиладиган бўлади. Яқин вақт ичида шундай клубларни Вьетнамнинг ҳамма вилоятларида очиш мўлжалланмоқда.

## ҚИСҚА ХАБАРЛАР

● **Ҳиндистон овчилари Уттар-Прадеш штатидаги бир неча қишлоқларни қарийб икки ой давомида безовта қилган одамхўр қоплонни ўлдиришди. Ўтган давр мобайнида етти киши бу йиртқичнинг қурбони бўлган.**

● **Франциядаги «Робен» фирмаси 160 от кучига эга бўлган автомобиль моторидан фойдаланиб уча оладиган енгил самолёт яратди ва синовдан ўтказди. Бу мотор самолёт моторига қараганда икки баравар арзон ва у оддий паст сортли бензин билан ишлайди.**

● **Токио университети лабораторияларидан бирида электрон «қўл» яратилди. Уни профессор Икаро Като ихтиро қилди. Профессор уни «Вам—7» деб номлади. Роботни рояль олдига қўйсангиз «қўл» университет гимнини худди бастакордек аниқ ижро эта олади.**

● **Мана уч йилдирки, Американинг Майамм шаҳри яқинидаги кўлларда бирида икки бошли илон яшаб келмоқда. Бу илонининг узунлиги бундан уч йил илгари етти сантиметр эди. Ҳозир эса бир метрга етиб қолди.**

## «Маош» оладиган мушуклар

Лондондаги учта катта-катта почта бўлимида ҳар куни «овқатланиш учун» бир доллар-у олтмиш цент «маош» оладиган бир қанча мушуклар хизмат қилишади. Бу мушуклар 1868 йилдаёқ Англия почта идораси ходимлари штатига киритилган эди.

Мушукларнинг қиладиган ишлари ўзгача. Улар почтахонадаги хатларни, посилкаларни сичқон ва каламуш каби кемирувчилардан сақлайдилар, деб ёзади Америкада чиқадиган «Ридерс дайджест» журнали.

**Совет Иттифоқи Никарагуага катта иқтисодий ва илмий-техника ёрдами бермоқда. Совет мутахассислари никарагуаликларга техникани ўзлаштиришда кўмаклашмоқдалар.**

**СУРАТЛАРДА: МАНАГУА. Никарагуа пойтахтининг жанубида истиқомат қилувчи қизча; минсклик токарь Анатолий Буйневич Хосе Мануэл ва Хохре Луизга дастгоҳда ишлашни ўргатмоқда.**

**ТАСС махсус мухбири.**

**Г. Надеждин** фотолари.

## Энг чидамли киши

Англиянинг Йоркшир графлигида мусобақанинг ўзига хос бўлган тури мавжуд. Ким альбинос-сассиқ кўзаннинг тишлашига узоқ вақт чидаб тура олади, мусобақанинг шарти ана шундан иборат. Бу жониворнинг тиши худди пичоқдек ўткир, тирноқлари бўлса игнанинг ўзидир. Ҳозирги кунда 74 ёшли Рэт Мэллер бу борада рекорд ўрнатиб турибди. У сассиқ кўзаннинг тишлашига 5 соат-у 26 минут чидаш бериб турди. Шу пайт ичида чемпионнинг оёқлари қалин тўрга ўхшаб чандиқ бўлиб кетган.

## «Тиббий ёрдам» кўрсатилди

«Бу факт ЮАРдагина юз бериши мумкин, деб ёзади «Нью Африкэн» журнали. Полиция овчаркаси қопиб олган қора танли аёлга тартибни сақловчилар итга зарар етмаганлигига ишонч ҳосил қилганларидан кейингина тиббий ёрдам кўрсатилди. Полиция овчаркасидан жабрланган аёл эса бир ярим ой давомида касалхонада даволанди.

# Адабиёт ва Санъат

## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ХАБАРЛАРИ

### ОТАЛИҚДАГИ ХЎЖАЛИКДА

Тошкент область Ғалаба районининг колхоз ва совхозлари пахтазорларида «Ташкенткабель» заводи маданият саройининг концерт бригадасини қадрдон дўстлар сингари қувонч билан кутиб олдилар. Корхонанинг ва Ўзбекистон пойтахти Куйбишев районидаги корхоналар ва муассасаларнинг ишчи ва хизматчиларидан катта бир группаси район хўжаликларида ҳосилни териб олишда ёрдам бермоқдалар. Кабелчилар ҳам райондаги бир қанча хўжаликларни оталиққа олганлар.

Ўзбек халқ ашула ва рақс ансамбли ҳамда эстрада коллективи тушлик дам олиш вақтида, иш кунидан кейин концерт намойиш қилади. Завод рассомлари Улуғ Октябрнинг яқинлашиб келаётган байрами олдидан дала шийпонларини безатишда кўмаклашмоқдалар, маданият саройининг ходимлари эса пахтакорлар учун кўчма кинолекторий ташкил этдилар. «Билим» жамияти завод ташкилотининг лекторлари ҳам дала меҳнаткашлари ҳузурида лекциялар ўқиб, суҳбатлар ўтказмоқдалар.

### ДЕҲҚОНЛАР ҲУЗУРИДА

Огаҳий номли Хоразм область музикали драма театри ва К. Отаниёзов номли область филармонияси артистлари область пахтакорлари социалистик мусобақасининг ғолиблари — Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари ҳузурида концерт қўйиб бериб, ўз гастролларини бошладилар. Дала меҳнаткашларининг истакларига биноан концерт программасига халқ қўшиқлари ҳамда замонавий қўшиқ ва рақслар, янги театр постановкаларидан парчалар киритилди.

Областнинг санъат усталари Хоразм область партия комитети ташкил этган агитавтопоезд составида навбатдаги гастроль сафарига чиқдилар.

(ЎзТАГ).

## СУД ЗАЛИДАН

### Қилмишига яраша жазо

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида қирқувчи бўлиб ишлаётган Сергей Юрьевич Стариков ўзининг бутун профессионал маҳоратини ўз манфаати йўлида сарф этувчи кишилардан бўлиб чиқди. Металлни қирқиш унга жуда ёқарди, фақат у ишлаб чиқаришда эмас, балки ишлаб чиқаришдан ташқари ҳолда ўз «хобби»си билан машғул бўларди. У доимо прогул қилар, бундай пайтларда кишиларнинг гаражларининг қулфини пинҳона «арралар»ди.

Бора-бора бу «чап» иш унга қийинлик қилиб қолди. С. Стариков ўзига шерик изладди. Ниҳоят 46-қурилиш бошқармасида собиқ сувоқчи бўлган Сергей Васильевни ҳамтовоқ қилиб ёллади. 19 ёшли йигитча билан Стариков бир зумда апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Ишни улар гражданка В. Кокинанинг «Москвич—412» машинаси сақланадиган гаражнинг қулфини арралашдан бошлашди. Бир зумда гараж қулфини тинчитиб, умумий ҳисобда 444 сўм 35 тийин бўлган машина эҳтиёт қисмларини ўмариб кетишди. Шундан кейин улар бир неча гаражларни ҳам «тинчитишди». Бу икки қароқчи енгил автомашина эгаларига жами 688 сўмлик зарар келтирди.

Ниҳоят, икки қароқчи маст ҳолда гражданин Н. Вейсинга тегишли «Жигули — ВАЗ-2101» автомобиль машинасини ўғирлашаётганида тумшуғидан илинди.

Енгил ҳаётни кўзлаб, оғирнинг усти, енгилнинг тагидан юришни кўзлаган бу икки барзанги мана оқибатда суд қора курсисида ўтирибди. Улар жавобгарлик ёшида бўлишлари, қонун олдида жавоб беришга мажбур эканликларига қарамай, С. Стариков билан С. Васильев «гражданлик балоғатига етмаганмиз» деб лаъво ҳам қилишади. Бундан кўриниб турибдики, улар ишлаган «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ва 6-қурилиш бошқармасида ёшлар ўртасида таълим-тарбия ишлари етарли даражада эмас.

Ҳар икки қароқчи қилмишига яраша жазо олди. С. Стариков тўрт йилга, С. Васильев эса уч йилга умумий режимдаги ахлоқ тузатиш меҳнат колониясига «сафарбар» этилди.

Уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғларига бу воқеа сабоқ бўлмоғи керак. Гарчи улар ўз фарзандларининг ёнида бўлсаларда, уларнинг юриш-туришга кўз-қулоқ бўлолмаганлар. Мана бу — қиммата тушди. «Қилмиш-қидирм и ш» деб шунга айтадиларда!

П. ВЛАДИН.

## Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар

• *РАССОМ ИЖОДХОНАСИДА*

# ЭПИК ТАСВИРЛАР ҚУДРАТИ

Рўзи Чориев сермаҳсул ижодкор. Уни ҳамиша инсон табиатининг ранг-баранглиги, бетимсол гўзаллиги, замин бўёқларининг беадад жилвалари қизиқтириб келади. У ана шу мавзуларни монументал услубда ишлашга уринади.

Р. Чориев фикрича, маҳорат бу рассом қўли ва фикрининг ижчил ифодасидир. У хоҳ мажлисда, хоҳ кўчада, хоҳ далада, хоҳ меҳмондорчиликда бўлсин албатта бўлғуси расмларнинг қораламаларини чизиб ўтиради. Бу иши баъзиларга эриш туюлиши мумкинлигига парво ҳам қилмайди. Ижодга бўлган бундай муносабат, менимча, ёшлар учун жуда ибратлидир. Инсон табиатида яширинган ётган катта имкониятлар худди ана шундай муносабат туфайлигина юзага чиқиши мумкин. Унинг «Сайроблик чол», «Сурхондарё мусиқаси», «Қумқўрғон олмалари», «Бойсунлик аёл», «Биринчи», «Пошхўртлик қизча», «Дашт қўшиғи», «Сўзана», «Келин» асарларида истеъдоди тўла намоён бўлган. Р. Чориев маълум бир томошабинни назарда тутиб асар яратмайди. Лекин у яратган асарлар томошабинни бефарқ ҳам қолдирмайди. Рассомнинг мақсади ҳам мана шудир.

— Картина — бу романдек гап, —дейди Р. Чориев.— Уни яратиш учун узоқ вақт керак. Лекин шартномаларимиз жуда қиска муддатларга тузилади. СССР Рассомлар союзининг VI съездида ҳам шу масала кўтарилди. Гап фақат муддатда ҳам эмас. Менимча, рассом шиддаткор асримизда диққатини жамлаб олишга кам вақт ажратаётганга ўхшайди. Ҳолбуки, картина узоқ ўйлар, изланишлар маҳсули.

Р. Чориевнинг Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига тақдим этилган асарларидан бири— «Қумқўрғон олмалари» ҳам ана шундай изланишлар маҳсули. Бу асарда ҳам биз Р. Чориевга хос эпикликни кўрамиз. Тасвирда Чориевнинг қаҳрамонлари —ўсмирлар ва бўй етган қизлар қўлларида олма ушлаб туришибди. Агар уларнинг кийимларига, юз кўринишларига разм солсангиз, рассом ҳаётий деталларни нақадар усталик билан ишлатганининг гувоҳи бўласиз.

— Биз нима учун рассом Рўзи Чориев санъатини севамиз, — дейди санъатшунослик доктори Л. И. Ремпель, —чунки унинг асарлари ҳамиша инсон қалбини ташқи олам билан боғлашда кўприк ролини ўтайди. Бу кўприк нафис, мустаҳкам ва қонуний. Рассом замондошларимизни ранг-баранг типик образларини моҳирона яратда олди. Менга Чориев асарларининг маъқул бўлган томони шуки, улар эрқин чизилган. «Анор пишганда», «Сайроблик чол», «Автопортрет», «Тошевлар оиласи», «Жиззах. 1916 йил» асарлари шулар жумласидандир.

Чориев ҳеч қачон мавзу танлаб ўтирмайди. Кўнглига ёқдими, чизаверади. У нафақат моҳир портретчи, балки ажойиб пейзажлар, мукаммал картиналар устаси ҳам. Яқинда Москвадаги «Советский художник» нашриёти Рўзи Чориевнинг асарлари альбомини чоп этди. Унда рассом ижодининг турли даврига мансуб бўлган асарлар жамланган.

Рассом шу кунларда —1945—1965 йилларда яратилган асаридан иборат ретро кўргазма қилиш иши билан банд. Бу кўргазма санъаткорнинг услублар, шакллар, ранглар, ифода лўндалиги устида бўлган машаққатли изланишлари мажмуасини ўз ичига олади. Улар рассом учун ниҳоятда қадрли. Бугунги муваффақиятларнинг гарови бўлган бу асарларни томоша қилган киши рассом услубининг қай тарзда шаклланганлиги гувоҳи бўлади.

Рассомнинг бу йиллардаги биографиясига назар ташлайлик: у 1947 йили мактабни тугатди. Термизлик рассом аёл Наталья Поповонинг уй қутубхонасидан Америка ёзувчиси Жек Лондоннинг «Мартин Иден» романини ўқиб, қаттиқ таъсирланган ёш йигитча ўша йили П. Беньков номидаги рассомлик билим юртига ўқишга кирди. Совет Армияси сафида хизмат қилган йилларида ҳам бўш вақт топиб, классик рассомлар ижоди намуналаридан нусхалар кўчирди, айни пайтда хизматдошларининг портретларини, Львов шаҳри манзараларини ишлади. Бу изланишлар армиядан қайтганда жуда асқотди: уни билим юртида бирданига иккинчи курсга қабул қилишди. Изланишлар, илк саболқлар... Бўлажак рассом таътил пайтлари, ёз келиши билан Бухоро, Хива, Сурхондарё томонларга жўнаб кетар, тинмай сурат ишларди. 1957 йилда унинг ижодида унутилмас воқеа рўй берди: «Бухоро бозорида» асари Москвада ўтказилган «Ўзбек адабиёти ва санъати» кунларида ташкил этилган кўргазмада намойиш этилди. Ўзи эса ўша йили Репин номидаги тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва архитектура институти талабаси бўлишга муваффақ бўлди. СССР халқ рассоми, профессор Юрий Непринцев қўлида таҳсил олар экан, у ўз билимини, тасаввурини кенгайтира борди. Энг муҳими, ранглар оламини мушоҳада қилишга уринди. Бу ерда Эрмитажнинг доимий мижозига айланди. Ван Гог, Пабло Пикассо, Модильяни, Суриков, Репин сингари улкан рассомлар, турли мактаб ва оқим асосчиларининг ижодини синчиклаб ўрганди.

Унинг 1965 йилда яратилган «Амирликнинг емирилиши» диплом иши мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Ҳозирги кунда бу асар Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида намойиш этилмоқда.

60—70 йиллар рассом ҳаётида саёҳатларга бой бўлди. У Африкада, Италия, Кипр, Руминия, Швеция каби қатор хорижий мамлакатлар бўйлаб ижодий сафарда бўлди. У сафардан ўнлаб лавҳа ва этюдлар олиб қайтди. Айни пайтда ижорида ўз ижоди намуналаридан кичик кўргазмалар ташкил қилди.

Р. Чориев Кипр ҳақида бир неча асар яратди. Шулардан бири «ХХ аср Афродитаси» деб аталади. Уни рассом сафардан қайтган заҳоти ишлай бошлади. Бу асар Ўрта ер денгизида, денгиз тўлқинлари қўйнидаги гўзаллик худоси — Афродита ҳақида. Рассом саёҳат чоғида нафақат мойбўёқда, балки акварелда ҳам ишлашни хуш кўради. «Фамагуста йўли орқали Некадияга» номли акварель иши ҳам сафар маҳсули.

«Пошхўртлик қизча», «Автопортрет», «Оқ от» сингари акварелда ишланган асарларидаги руҳият иқлими, инсонга муносабат қишини ҳаяжонга солади.

Яхшиси бу ҳақда оддий томошабин ёзиб қолдирган ёзувга мурожаат қилайлик: «Чориевнинг шахсий кўргазмаси менга жуда ёқди. Рўзи ака! Мен айниқса, сизнинг портрет ва пейзаж чизиш санъатингизга қойил қолдим. Сиз замонпошларингиз орасида биринчи бўлиб, гўзал Сурхон водийси, унинг табиати ва кишиларини тасвирлашга, кўрсатишга ҳаракат қилибсиз. Сизнинг «Холамнинг портрети», «Сўфи бобо» (Худди Рудакийга ўхшайди), «Ботир Зокиров» (Островскийга ўхшайди) каби портретларингизда кишининг ички кечинмаси ва руҳияти яхши очиб берилган. «Навоий» портретида эса Навоийга хос кенг фикр, мушоҳада, ишонч бўртиб турибди... Пейзажингиз мароқли».

Бизнингча, томошабин ҳақ. Рассом ўзи билган, севган мавзуга қўл уради. У моҳир портретчи, ажойиб манзара асарлар устаси, эпик тасвирлар ижодкори. Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи правлениеси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рўзи Чориевнинг бир туркум асарларини Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига тавсия этди. Бу истеъдодли рассом маҳоратига, ижодий камолотига билдирилган юксак ишонч ва эътироф белгисидир.

Н. НОРМАТОВ.

### РАССОМ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАР

Рўзи Чориев мен учун янги дунё очди.

**Ренато ГУТТУЗО, итальян рассоми.**

•

Рўзи Чориев билан хорижда ижодий сафарда бўлганман. Унинг тинмай сурат чизиши, санъатга ўта фидойилиги мени ҳайратга солди. Бу санъаткорнинг улкан истеъдод эгаси эканлигига шубҳам йўқ.

**Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ССР халқ рассоми.**

•

Рўзи Чориевнинг шогирдлари кўп. У ёш рассомларга ёрдам беради, уларни ўз меҳнатига виждонан ва талабчанлик билан ёндошишга ўргатади.

**Зокир ИНОҒОМОВ, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом.**

•

СУРАТЛАРДА: Рўзи Чориев асарларидан намуналар.

## Бир шеър шарҳи

Тошкентнинг 2000 йиллиги тантаналари давом этаётган кунларнинг бирида ўтказилган «Шеър ва қўшиқ» кечасида шоир Дадахон Ҳасан «Афғон қўшиқчиси Аҳмад Зоирнинг онасига қилган сўнгги ноласи» шеърини ўқиди. Ўша мушоирада мен бир гўзал шеър топдим, бир истеъдодли санъаткорни ўзим учун қайта кашф этдим.

Шоир Дадахон Ҳасан бу шеърини ўқиркан, борлиғимни қўрғошин каби оғир, рангин, пароканда туйғулар чулғадилар, гоҳ хотирамнинг осмонларида нашъа юлдузлари ёндилар, гоҳ чанғоғимнинг саҳроларида севинч ғунчалари очилдилар. Ўша оқшом мен Дадахон Ҳасан сиймосида чин маънода шоир ва ҳофизни кўриб чексиз қувондим. Бу шеър мақтул ҳофиз Аҳмад Зоир тўғрисида эгсилган барча манзумаларнинг гултожи десам, муболаға бўлмас. Бу — санъаткор ва замон ҳақидаги, қўшиқчининг тақдири ҳақидаги гоят халқона, равон асардир. Зеро, бу шеърда ҳофизнинг дунёга муносабати ёрқин ва эзгу манзаралар орқали намоён бўлади.

Дарвоқе, ҳофиз ва дунё...

Ҳофиз — она халқининг ҳасратлари, орзу-армонлари, кўнгил шодликларини кўзда ёш билан куйларкан, оҳанглар белланчагида авайлаб тебратади, ғамгин кишиларга юксак руҳият бағишлайди, шодумон кимсаларни сескантириб уйғотади. Қўшиқ — тушунган инсоннинг содиқ дўсти, елкадошидир. Қўшиқ билан бораётган инсон умидли ва жасур, қўшиқнинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ҳаёти бордирким, уни бўғишга, унинг йўлига ғов бўлишга шайланган кимсалар аянчлидирлар. Афсуски, улар ҳали бор.

**Овозимни бўғдилар,**
**яна ўша, ўшалар,**
**Ўшалардан бу олам,**
**билмам, қачон**
**бўшалар.**

Ҳафизулло Амин бошлиқ сотқинлар тўдаси Аҳмад Зоирни аввал афғон радио ва телевидениесида қўшиқ айтишдан маҳрум этдилар. Кейин нафасини ҳам қизғандилар... 1979 йил 31 июль куни Аҳмад Зоирни фожиали равишда ўлдирдилар. У буюк халқнинг буюк санъаткори эди, дунёга жуда кўп даҳо шоирлар, олимлар, давлат арбобларини берган қадимий Афғонистон тупроғининг майин ва қадир, нафис ва аламли овози эди.

Шоир ва ҳофиз Дадахон Ҳасаннинг «Аҳмад Зоирнинг онасига қилган сўнгги ноласи» шеърини сиз азиз оқшомхонларга чин юракдан илиндим.

Рауф ПАРФИ.

## АФҒОН ҚЎШИҚЧИСИ АҲМАД ЗОИРНИНГ ОНАСИГА ҚИЛГАН СЎНГГИ НОЛАСИ

**Ғунча ишқида булбул қуйлар экан мастона,**
**Гули эса тонг чоғи ўзиб кетар бегона...**
**Бу не қулфат шўрликка, дея ёқамни йиртсам,**
**Садо келгай ҳамиша—«Бу кечмишдир шарқона—**
**Шу боис дод этарлар ҳар ошиқи девона».**
**Мен ҳам бир аҳли ошиқ, эдим мутрибки даврон,**
**Қўшиғимни йўқотдим, найлай энди, онажон!**

**Қўшиғимни йўқотдим, ғунчани очмасимдан,**
**Ҳисларимни маржондек гулшанга сочмасимдан,**
**Ғунча чиройин кўриб, девонавор чарх уриб,**
**Булутлар теппасинда чўг бўлиб учмасимдан,**
**Офтобни қулочлаб, бахтим деб қучмасимдан,**
**Нетай, ахир кўкларга боқиб қолдим нигорон,**
**Қўшиғимни йўқотдим, найлай энди, онажон!**

**Овозимни бўғдилар. Яна ўша-ўшалар,**
**Ўшалардан бу олам билмам қачон бўшалар.**
**Ўшаларким Маждиддин, Абдуллатиф,**
**Шоҳ Маҳмуд,**
**Хўжааҳрор валию, Муҳий, Офоқ хўжалар.**
**Токай руҳимиз улар оёғига тўшалар.**
**Мудом аҳли дилларнинг кўнгли вайрон, бағри**
**қон,**
**Қўшиғимни йўқотдим, найлай энди, онажон!**

**Қўшиқ айтмоқ ғуноҳми, нечун бағрим порадир,**
**Нега чеккан афғоним осмонни ёрадир.**
**Қўшиқ айтган етарди муродига водариг,**
**Мен етмадим, не боис, наҳот бахтим қорадир.**
**Бахти банд этилганлар айтинг қайга борадир,**
**Мен халқимнинг қўшиғи, бағри эдим бир замон.**
**Қўшиғимни йўқотдим, найлай энди, онажон!**

**Қўшиғи йўқ улусда файзу фароғат қайда!**
**Шукуҳ, шиддат, шижоат, кўрку камолат қайда!**
**Ожизу афтодаҳол, толеи нигун, ўксик,**
**Нашъу намо, руҳият, идрок-фаросат қайда!**
**Соз қайда, овоз қайда, санъат-саодат қайда!**
**Қўшиқсиз халқ халқмидур—у эл-элат, оломон.**
**Қўшиғимни йўқотдим, найлай энди, онажон!**

**Билмам қай кун, қай фасл кўнглимни шод**
**этдилар,**
**Юртимга хуш ҳаволар қачон келиб кетдилар.**
**Қалдирғочлар жўр бўлиб маним чеккан оҳимга,**
**Қучиб ҳасратларимни учиб қайга етдилар!**
**Садо келгай ҳамиша; Ҳиндикушдан ўтдилар,**
**Тутиб кетди фиғоним Чину Турон, Ҳиндистон—**
**Қўшиғимни йўқотдим, найлай энди, онажон!**

**Қарға қузғунга қолса бу кўҳлик дилбар олам,**
**Маҳлуқу даррандага ўхшаб кетарди одам.**
**Бинафша қизил, зангор, жийда гули топталиб,**
**Адирлар тош қотарди, қирда кулмасди лолам,**
**Ўн саккиз минг оламни ёндирмасми оҳ-нолам.**
**Йиқилмасми тоқидан бошима баланд осмон,**
**Қўшиғимни йўқотдим, найлай энди, онажон!**

**Бир менмидур чаманда қўшиқларин йўқотган,**
**Созини соз этолмай ғаму ғуссага ботган,**
**Истаб меҳр-ҳидоят, топмай бир валинеъмат,**
**Саҳарлар нола айлаб, кўкларга қараётган,**
**Жиндай меҳр-шафқатга ҳатто жонини сотган.**
**Дунёга сиғмаганлар айтинг қайда сақлар жон,**
**Қўшиғимни йўқотдим, найлай энди онажон!**

Дадахон ҲАСАН.

• Кўча тасодифлари

## ҚОИДАНИ БУЗГАН ЭДИ...

**Йўл ҳаракати қоидаларида — ҳайдовчи машинани орқага ҳайдаганида ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларига ҳалақит бермаслиги, хавфсизликни таъминлаш чораларини кўриши шарт, дейилади.**

**Ҳайдовчи В. Н. Хегай юқоридаги талабни унутиб қўйганга ўхшайди. У Қорасув бозори территориясида машинани орқага ҳайдаётганида эҳтиёт чораларини кўрмади ва машинага тескари турган гражданка М. Пакни уриб юборди. Бунинг натижасида аёл тан жароҳати олди.**

**Ҳайдовчи В. Хегай йўл қоидасини бузгани учун ГАИнинг маъмурий комиссиясига юборилди.**

Ҳ. МИРЗАЕВ.

## КИНО

# БАХТ ЁР БЎЛСИН, ЖУМАГУЛ!

Кино санъати тобора кўпроқ эпик шаклларга мурожаат қилмоқда. Бу ўз-ўзидан тушунарли. Асар асосида катта миқёсли воқеалар турганида, сюжет марказида эса давр билан боғлиқ мураккаб драматик воқеалардан ўтиш жараёнида характери ва иродаси тобланиб борадиган қаҳрамон бўлганида экраннинг жуда катта имкониятлари янада тўлароқ ва ёрқинроқ намоён бўлади. Таниқли қорақалпоқ адиби Т. Каипбергеновнинг «Қорақалпоқ қизи» романи асосида суратга олинган «Бўйсунмас» кинофильми менга худди ана шундай чинакам эпик асар бўлиб туюлади. Фильм Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзод қилиб кўрсатилганлиги ҳам бежиз эмас.

Фильм режиссёри Анатолий Қобулов ўзбек киносига 60-йилларда, таниқли театр постановкачиси сифатида кириб келди. «Ўзбекфильм» киностудиясида бир неча картинани суратга олди. Нафис профессионализм, майинлик актёрлик санъатини чуқур ҳис этиш ишларига хос бўлган хусусиятлардир. Режиссёрнинг сўнгги фильми ҳам худди ана шундай фазилатларга эга. Қобулов Каипбергеновнинг романини олдиндан билар, севиб мутолаа қилганди. Уни экранлаштиришни ҳам орзу қилиб юрарди. Қорақалпоғистон ҳам болалигидан қалбида ўчмас из қолдирган. Чунки болалиги Тўртқўл шаҳрида кечган. Отаси — йирик ўзбек театр арбоби Зуҳур Қобулов Қорақалпоғистонда миллий театрни вужудга келтирганлардан бири эди. Фильм постановкасига у тажрибали ёзувчи ва роман таржимони Григорий Марьяновский билан биргаликда қўл урди.



Сценарий муаллифи Марьяновский ва режиссёрнинг хизмати шундаки, улар китобнинг энг яхши саҳифаларини авайлаб танлаб олганлар, воқеаларнинг тез ва шиддатли ривожланишига ҳалақит берувчи барча воқеаларни тушириб қолдирганлар. Бундай ижодий меҳнат ўз самарасини берди. Томошабин Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йилларида узоқ Қорақалпоғистонда рўй берган воқеаларни қалбан ҳис этади. Унинг кўз ўнгида аёвсиз синфий кураш авж олади, натижада инқилоб қаҳрамонлари янада тобланадилар, янги ҳаёт душманлари эса тарих саҳнасидан чорасиз ҳолда тушиб кетадилар.

Китобдаги сингари фильмда ҳам Жумагул образи воқеалар марказида туради. У халқ орасидан чиққан, камбағал ва ҳуқуқсиз, аммо ўтмишга қарши исён кўтарган, бутун қалби билан инқилобни қабул қилган қиз.

Бу ролни ёш актриса Тамара Шокирова ҳаётий ва таъсирчан қилиб ижро этган. Унинг ижроси ҳам Ҳамза номидаги мукофотга номзодликка кўрсатилди. Актриса ўзбек киносига кириб келганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо қисқа вақт ичида у ўз маҳоратини намойиш эта олди. «Кўрқув билмай», «Менинг самимий кишим», «Ленинградликлар, жигарбандларим менинг» ва бошқа бир қатор кинофильмларда асосий ролларни муваффақиятли ижро этди. Янги картинада ҳам актриса ўз қаҳрамонини чуқур тушунган ва сева олган, унинг характеридаги асосий белгилар — ғурур, қатъият, жасорат, ҳақгўйликни ёрқин кўрсатишга эришган.

Инқилобгача қорақалпоқ аёлининг қисмати жуда оғир эди. Аёлни сотишлари ва сотиб олишлари мумкин эди. Уни уриб, хўрлардилар. Жумагул ҳам ҳаётини шундай бошлайди. Дастлаб севимли кишисига турмушга чиқиб, сўнгра эрининг уйида оғир ва ҳуқуқсиз хизматкорликнинг барча азоб-уқубатларини, қайнонасининг зулмини бошдан кечиради.

Аммо Жумагул қийинчиликлар қаршисида бош эгадиганлардан эмас. У қадамбақадам қад тиклай боради, янги қисмат учун курашади. Реакция ва нурли турмуш ўртасидаги авж олаётган социал курашда ўз ўрнини топгунича қаҳрамон кўпгина синовлардан ўтади. Фильм охирида Жумагулни аёллар ҳаракати раҳбари сифатида кўришимиз тамомила ўзини оқлайди. У инқилобни тўлалигича қабул қилади, ўзи сингари юзлаб илгари қолоқ ва ҳуқуқсиз бўлган, эндиликда эса совет Қорақалпоғистонининг мағрур ва жасур аёлларини ўз ортидан етаклади.

Фильмда аниқ ва ёрқин гавдалантирилган роллар кўп. Айёр Дуйсенбой, Жумагулнинг саводсиз, аммо софдил эри Турумбет, нозик Бибигул роллари шулар жумласидандир. Турумбетнинг онаси Гулбека ролини ижро этган қорақалпоқ актрисаси С. Алламуродова маҳорати ҳам хотирамизда ўрнашиб қолади. У ўз қаҳрамонини ўша оғир ва ҳуқуқсиз даврга мос равишда ишонарли талқин этади. У ўзига хос равишда келинини севади ва ҳурмат қилади, аммо ўтмишнинг анъаналарини, келинини зулм билан ишлатишга ундовчи ҳурофотни енгиб ўтишга ўзида куч тополмайди.

Ёш оператор, аммо тажрибали мутахассис Даврон Абдуллаевнинг ҳамда кўпгина ажойиб асарлар орқали таниш бўлган Евгений Пушиннинг иши ҳам мукофотга тавсия этилган. Янги лентанинг юксак жиҳатларини қайд этиш билан бирга, «Ўзбекфильм» коллективини катта муваффақият билан табрикламоқчимиз. Бу асар чиндан ҳам юксак мукофотга лойиқ.

Ж. ТЕШАБОЕВ, санъатшунослик кандидати.

***

СУРАТЛАРДА: «Бўйсунмас» фильмидан кадрлар.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

24 ОКТЯБРЬ, 1983 й.

# ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

**24 ОКТЯБРЬ — ДУШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

17.20 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.50 Халқаро конкурслар лауреати Ю. Вострелов чалади (баян). 18.15 «Онамларнинг мактаби». 18.45 «Совет тупроғидаги учрашувлар». 19.00 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». «Қозоғистон магниткасининг қизғин кунлари». 19.30 «Футбол шарҳи». 20.00 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Еш ижрочиларнинг Бутуниттифоқ телевизион конкурси. Киевдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Минск). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 23.45 «Дунё воқеалари».

**Марказий телевидениенинг иккинчи программаси**

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Ҳамма нарсани билишни истайман!» Киножурнал. 19.00 «Сиз яратган боғ». 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Городецк ўйинчоғи». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 Огир атлетика бўйича жаҳон чемпионати. «Измайлово» Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.00 «Давр бизни танлади». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.05 Москва шаҳар автокорхоналарининг бирлашган духовой оркестри ижро этади.

**Узбекистон телевиденнесининг программалари**

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ғирт мақтанчоқ», «Музикали магазин». Мультфильмлар. 18.30 «Болалик — бу камалак жилоси» (рус.). 19.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. ВЛКСМнинг 65 йиллигига. Шонли анъаналар. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ўйғур ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Республикада хизмат кўрсатган артистлар Т. Саъдуллаев, У. Муҳамедова ва солист Б. Баниров ижро этади. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.15 Бадиий фильм. 23.40 Янгиликлар.

II

9.00 — 16.30 МТ II.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Телевизион ҳужжатли фильм. 19.10 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 19.40 «Ишонч». Ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Шудринг». Телевизион бадиий фильм (рус.).

**25 ОКТЯБРЬ — СЕШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Время». 9.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.10 «Менинг жойимга тур». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.00 «Кўк сурат». Бадиий фильм. 12.25 «Бу менинг Ўзбекистоним». Фильм-концерт (Тошкент). 13.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 ВЛКСМнинг 65 йиллигига. Ҳужжатли фильмлар: «Ишчи лавозими», «Бахтли уфқ», «У 23 да эди».

16.35 «Стадион ҳамма учун». 17.05 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.35 Кинокўрсатув. 18.15 «Ёшлар адреслари». 18.35 Концерт. 18.45 «Фан ва турмуш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Ҳозирги дунё ва ишчилар ҳаракати». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Г. Зубков олиб боради. 20.05 «Арфанинг сеҳрли садоси». Фильм-концерт. 20.30 «Парвоз давом этади». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. С. В. Ильюшин номли авиация-конструкторлик бюросининг 50 йиллигига. 21.30 «Время». 22.05 Москва шаҳар Маданият ва техника уйи «Русь» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 22.25 «Ҳужжатли экран». Кўрсатув автори ва олиб борувчи шоир Р. Рождественский. 23.25 «Дунё воқеалари». 23.40 «Спорт ҳафталиги».

**Марказий телевидениенинг иккинчи программаси**

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Йил охиридаги кичик бир карнавал...». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 Физика. 10-синф. Механик тўлқинлар. Товуш. 10.05 ва 13.55 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Ишлаб чиқариш муҳитини ташкил этишда эстетик факторлар. 11.35 ва 12.40 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. «Визнинг мулкимиз». 12.05 «Шахмат мактаби». 13.10 Академик С. И. Вавилов. 14.25 «Прометей ворислари». 15.25 «Байроннинг романтик театри». 16.25 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.50 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми А. Мильников. 20.25 «Геометрия кимга керак». Илмий-оммабоп фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Давр бизни танлади». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 Огир атлетика бўйича жаҳон чемпионати. «Измайлово» Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 23.35 «Спорт ҳафталиги».

**Узбекистон телевиденнесининг программалари**

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Физика. Иссиқлик двигателлари. 12.00 «Менинг биринчи кемам». Телевизион фильм. 12.30 Адабиёт. Уйғун — драматург. 13.00 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси этнографик ансамблининг концерти.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Уйчада ким яшайди», «Қуёнча Петя ва ўрмон ошхонаси». Мультфильмлар. 18.30 «Шоирлар — болаларга». 19.05 «Идеология иши — бутун партиянинг иши». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 20.00 «Буюк рассомлар». Леонардо да Винчи. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон санъат усталари ижросида Шарқ халқларининг қўшиқлари. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.25 «Пойтахт яна бир бор уларни олқишлади». А. Навоий номли Давлат академик Катта театрининг Москвадаги гастроллари. 23.25 Янгиликлар.

II

9.00—16.20 МТ II.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Руставели изидан». Телевизион фильм. 19.00 Ўқитувчилар учун консультация. Бошланғич синфлардаги дарсларда ўйин элементлари. 19.30 «Тўйдан кейин». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ишчи шарафли касб». 20.50 «Ҳужжатли кино экрани». 21.30 МТII.

**26 ОКТЯБРЬ—ЧОРШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Время». 9.40 «Саёҳатчилар клуби». 10.40 «Таня». Телевизион бадиий фильм. 12.35 РСФСР халқ артисти В. Третьяков концерти (скрипка). 13.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Олтин занг». Илмий-оммабоп фильм. 15.30 «Берёзка» рақсга тушади. 16.15 «Леопольд ва тилла балиқча», Мультфильм. 16.30 СССР Ҳарбий-Ҳаво Кучлари бадиий коллективларининг концерти. 17.10 «Кувноқ стартлар». 17.55 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти. 18.30 «Лисая Горкадаги мактаб». СССР халқ ўқитувчиси П. Г. Лозина ҳақида телевизион очерк. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Биз БАМни қуряпмиз». 20.00 «Шеъриятга даҳдорман». Ҳужжатли фильм премьераси. Шоир М. Луконин ижоди ҳақида. 20.20 «Пора». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Пора». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.25 «Дунё воқеалари».

**Марказий телевидениенинг иккинчи программаси**

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Ҳар нарсада ва доимо». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 География. Карпатлар. Қрим. Кавказ. 10.05 ва 14.15 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35 «Бу афсонавий дельта». Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. Ҳайвонот дунёсининг ривожланиши. 11.35 ва 12.40 Музика. 5-синф. Бетховеннинг 5-симфонияси. 12.05 «Сиз яратган боғ». 13.10 Н. Г. Чернишевский. «Нима қилмоқ керак!» 9-синф. 13.35 «Паррандалар ва ҳайвонлар бир том остида». 1-кўрсатув. 14.05 «Кўчат ўтказ». Илмий-оммабоп фильм. 14.45 Н. В. Гоголь. «Шинель». 15.15 «Эллинизм даври санъати». 15.45 От спорти бўйича «Пардубицкий стипль-чез» халқаро мусобақалар. ЧССРдан олиб кўрсатилади.

18.30 Янгиликлар. 18.45 Илмий-оммабоп фильм. 18.55 «Камалак» халқ ижодиёти ҳақидаги телевизион программаларнинг V Халқаро фестивали. «Малюнглик скрипкачилар» (Швеция). 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Каравелли ва унинг оркестри». Эстрада оркестрининг концерти (Франция). 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Трактор». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 23.45 Огир атлетика бўйича жаҳон чемпионати. «Измайлово» Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

**Узбекистон телевиденнесининг программалари**

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Физика. Товуш ҳодисалари. 12.00 Болалар учун фильм. «Митти бурун». 13.00 «Энг қадимги эртак». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Дўстлар», «Юмроқоқиз ва ТВ». Мультфильмлар. 18.30 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.). 19.00 «Даврларнинг узилмас алоқаси...» Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 19.30 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Саодат» журнали саҳифаларида. 20.15 «Карпат рапсодияси». Манзарали фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Ғўзал» ансамбли ижро этади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Саҳна санъати усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Зайнаб Садриева. 23.40 Янгиликлар.

II

9.00 —16.35 МТ II.

17.55 Кўрсатувлар программаси.

18.00 «Қуёш нури ҳам», «Ғоялардан ишлаб чиқаришга». Телевизион фильмлар. 19.00 «Пойтахт области далаларида». 19.30 «Бор йўғи ўйин». Ҳужжатли фильм. 19.50 Янгиликлар. 20.10 «Романтика» телевизион театри. Н. Мирошниченко. «Учинчи авлод». 1-қисм.

**27 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Время». 9.40 «Кувноқ нотачалар». 9.50 «Асримизнинг қайноқ сирлари». Телевизион ҳужжатли фильми. 10.50 «Пора». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 13.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар.

16.40 «Пўлат шундай тобланди». Н. Островский ижоди ҳақида. 17.25 «Кувноқ хоровод». 18.00 «Шахмат мактаби». 18.30 «Расмларда қуёш акси бор». 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Икки дунё—икки сиёсат». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.50 Латвия ССР Давлат академик хорининг концерти. 19.40 «Алоҳида гамхўрлик билан қуршалган». КПСС Марказий Комитети маъқуллаган «Заря» пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тажрибаси ҳақида. 20.15 «Мен Москва бўйлаб бораман». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Театр мемуарлари. 22.55 «Дунё воқеалари». 23.10 Концерт.

**Марказий телевидениенинг иккинчи программаси**

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Безовта қиляпманми...» Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.40 М. Ю. Лермонтов. «Мцири». 7-синф. 10.10 ва 14.35 Испан тили. 11.15 Илмий-оммабоп фильм. 11.35 ва 12.40 Зоология. 7-синф. Бўғимоёқлилар. 12.00 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.30 «Мокшадаги қўриқхона». Илмий-оммабоп фильм. 13.05 Тарих. Қадимий Миср санъати ва фани. 13.35 «О, менинг Дельвигим...». 15.05 «Тонггача омон қолсак...». Бадиий фильм, субтитр билан. 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Коммунист бўл». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 Сув ости спорти бўйича халқаро мусобақалар. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Давр бизни танлади». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 23.10 Огир атлетика бўйича жаҳон чемпионати.

**Узбекистон телевиденнесининг программалари**

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш йилларида Ўзбекистон (рус.). 12.00 Болалар учун концерт. 12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш йилларида Ўзбекистон. 13.00 «Куз келганда...». Телевизион фильм. 13.30 Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қуёнча Петя қандай қилиб шаҳарга борди», «Тулки Лариска қандай қилиб хазина изладн». Мультфильмлар. 18.35 Мактаб ўқувчилари учун». Қўшиғим, жон қўшиғим» . 19.20 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». Меҳнат ветерани, СССР Давлат мукофотининг лауреати, «Узсельхозтехника» тажриба ремонт-механика заводи токари Ю. Маҳмуджонов ҳақида телеочерк. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Урие Керменчели концерти. 20.15 «Ғаллакорларнинг муҳим вазифалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақслар гулдастаси», «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг солистлари иштирокида. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — оқ олтин» даврим. Ёшлар музикали программаси. 23.55 Янгиликлар.

II

9.00—16.25 МТ II.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Бош конструктор». Телевизион фильм. 1-серия (рус.). 19.15 «Яхши кайфият хизмати» (рус.). 19.45 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Телефильм. 20.30 «Романтика» телевизион театри Н. Мирошниченко. «Учинчи авлод». 2-қисм. 21.30 МТ II.

**28 ОКТЯБРЬ — ЖУМА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Время». 9.40 «Одамлар шаҳри». Ҳужжатли фильм. 10.25 Концерт залида— мактаб ўқувчилари. «11.10 «Мен Москва бўйлаб бораман». Бадиий фильм. 12.25 «Нафосат манбаларига». Концерт. 12.55 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Заводга икки йўлланма». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.40 Туркманистон ССР бадиий коллективларининг концерти.

16.00 «Рус тили». 16.35 «Москва комсомолининг ишлари». 17.20 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Буратино саргузашти». 3-серия. 18.30 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 19.00 Халқ қўйлари. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Огир атлетика бўйича жаҳон чемпионати. 20.00 «Қизил чиннигул». VIII Халқаро қўшиқлар фестивали. ВЛКСМ туғилган кунга. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр» — «Спартак». Донецкдан олиб кўрсатилади. 23.45 «Дунё воқеалари».

**Марказий телевидениенинг иккинчи программаси**

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Кемалар ёнгинасидан сузиб ўтади». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 География. 8-синф. Енгил саноат. 10.05 ва 14.30 Инглиз тили. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. А. П. Чехов. «Олчазор». 11.35 «Ўқитувчи ҳақида сўз». 12.15 «Сен қонунни биласанми?». «Қонунчилик ва ҳуқуқтартиботни таъминлаш». 13.00 «210-кашфиёт». Илмий-оммабоп фильм. 13.15 Н. Заболоцкий лирикаси. 14.00 Паррандалар ва ҳайвонлар бир том остида. 2-кўрсатув. 15.00 Борис Лавренев. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.50 Совет тасвирий санъати. «Ёшлик» ҳақида диалоглар». 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. МАСК — «Жальгирис». МАСК универсал спорт залидан олиб кўрсатилади. 19.30 «Саёҳатчилар клуби». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.00 «Давр бизни танлади». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4- ва 5-сериялар.

**Узбекистон телевиденнесининг программалари**

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (рус.). 12.00 «Львов мактаби». Ҳужжатли фильм. 12.30 Жамиятшунослик. Давлатни келиб чиқиши ва моҳияти. 13.00 «Юлдузча». Киноальманах. 13.40 «Биринчи комсомол қиз». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Маугли». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 19.00 «Шифокорлар — пахтакорларга». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Инсон ва қонун». 20.10 «Совет Ўзбекистони» газетаси ва Ўзбекистон телевидениесининг йўлланмаси билан». Кўрсатувни ёзувчи Саид Аҳмад олиб боради. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дала меҳнаткашлари билан учрашув». Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Шамаева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Э. Каримов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари ака-ука Ваҳобовлар иштирокида концерт. «Ўзбекистон» колхозининг Маданият саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Дунё воқеалари». 22.30 Бадиий фильм. 23.30 Янгиликлар.

II

9.00—16.25 МТ II.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Биз ҳаммамиз —пахтакормиз». 18.55 «Бош конструктор». Телевизион фильм. 2-серия (рус.). 19.55 Янгиликлар. 20.15 «Буюк ҳайвон ўргатувчи». Телевизион бадиий фильм. 21.30 МТ II.

**29 ОКТЯБРЬ — ШАНБА**

**КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУН**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Время». 9.40 «Шунқорлар учишни ўрганмоқдалар». Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Попов раҳбарлигидаги болалар Катта хорининг концерти. 10.10 «Гродно, сентябрь». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.30 «Буратино кўргазмаси». 11.00 «Спортлото»нинг 44-тиражи. 11.10 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.40 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 12.10 «Сизни қизиқтирган адабиётлар». 12.55 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади. 13.45 «Сиз бунга қодирсиз». 14.40 «Камалак» халқ ижодиёти ҳақидаги телевизион программаларнинг V халқаро фестивали. «Халқ байрами» (Шри-Ланка). 15.05 «Инсон. Ер. Коинот». 15.50 «Дунё воқеалари».

16.05 «Майдонда фақат қизиқчилар». 16.40 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади. 17.30 «Тинчликка ким хавф солмоқда?». Ҳужжатли фильм премьераси. Фалсафа фанлари доктори, профессор, генерал-лейтенант Д. А. Волконоговнинг кириш сўзи билан бошланади. 18.25 «Сирли сайёра». Мультфильм. 18.40 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 19.10 «Ҳайвонот оламида». 20.15 «Комсомоллар —тинлм билмас қалблар». 21.30 «Время». 22.05 «Кинопанорама». 23.40 Огир атлетика бўйича жаҳон чемпионати. 00.20 Янгиликлар.

**Марказий телевидениенинг иккинчи программаси**

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 «Индигир эртаклари». Илмий-оммабоп фильм. 9.50 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви. 10.20 Ҳунар-техника билим юртлари ҳақидаги энг яхши кўрсатувлар учун Бутуниттифоқ конкурси. «Ижодга иштиёқ бор». 11.10 Мотоспорт бўйича Халқаро мусобақалар. ЧССРдан олиб кўрсатилади. 11.30 «Братислава музикали тантаналари». ЧССРдан олиб кўрсатилади. 12.20 «Сёльцо» — янги қишлоқ». Ҳужжатли фильм. 12.30 ГРУЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 14.00 Футбол бўйича Европа чемпионатининг саралаш матчи. Польша—Португалия терма командалари. 2-тайм. Польшадан олиб кўрсатилади. 14.45 «Ғолиблар». Фрунтдош дўстлар клуби. 38-Қизил Байроқли армия ветеранларининг учрашуви.

16.10 «Музикали киоск». 16.40 Партия ҳақида ҳикоялар. «Коллективлаштириш. Биринчи шудгор». 17.25 «Бечора Лиза». Мультфильм. 17.50 РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. 18.50 В. Розов. «Тенгсиз жанг». Телевизион спектакль. 20.15 «Халқаро обзор». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Ижсталь». «Крилья Советов» Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

**Узбекистон телевиденнесининг программаси**

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Югуриш —саломатлик гарови». 10.35 «Излаб топ мени, Лёня!». Бадиий фильм. 12.00 «Оналар мактаби». 12.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 13.30 «Кинопублицист экрани» (рус.). 14.15 «Замандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 18.00 Болалар учун. «Бойчечак». 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол менинг тақдиримда». Ленин комсомолининг 65 йиллигига бағишланган кўрсатув. Кўрсатувда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов иштирок этади. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти. Союзлар уйининг Колонна залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти. Союзлар уйининг Колонна залидан трансляция пайтида ёзиб олинган (давоми). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

**ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

9.00—16.45 МТ II.

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденкеларининг биргаликдаги программаси. 18.00 «Олга, қарнайчилар!». Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 18.30 «Қуёшли ёз қўшиқлари». Фильм-концерт. 19.00 «Новости». 19.15 «Янгра, ёшлигимиз». Комсомол туғилган кунга бағишланган кўрсатув. 20.00 «Ахбор». 20.25 Телефильм. 20.50 «Ижод саҳифалари». Ҳожи Содиқ. 21.30 МТ II.

**30 ОКТЯБРЬ — ЯКШАНБА**

**АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Время». 9.40 Автомобиль транспорти ходимлари кунига. Ҳужжатли фильмлар. 10.20 «Будильник». 10.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.50 «Здоровье». 12.35 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви. 13.05 «Совет тупроғидаги учрашувлар». 13.20 «Қишлоқ янгиликлари». 14.20 «Музикали киоск». 14.50 Огир атлетика бўйича жаҳон чемпионати. 15.20 «Бугун — Автомобиль транспорти ходимлари куни».

16.00 Автомобиль транспорти ходимлари кунига бағишланган музикали кўрсатув. 16.45 «Саёҳатчилар клуби». 17.55 «Камалак» халқ ижодиёти ҳақидаги телевизион программаларнинг V халқаро фестивали. «Крошка» (Словен халқ рақслари). (Любляна шаҳри, ЮСФР). 18.20 «Коммунист ҳаммаси учун жавобгар». «Жойида ҳал этилмоқда» туркумидан. Курск область партия ва совет ташкилотларининг меҳнаткашлар хатлари, таклифлари ва шикоятлари билан ишлаш тажрибасидан. 19.20 «Халқаро панорама». 20.05 «Қушча Тари». Мультфильм. 20.20 Телевизион миниатюралар театрида премьера. 21.30 «Время». 22.05 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади. 22.55 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Крилья Советов». 2 ва 3-даврлар. «Крилья Советов» Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 00.05 Янгиликлар.

**Марказий телевидениенинг иккинчи программаси**

9.00 «Зарядкага сафланинг!». 9.20 «Жостов нақш санъати. Уста П. Плахов». 9.50 БССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. Минскдан олиб кўрсатилади. 10.30 Автомобиль транспорти ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар. 11.00 «Братислава музикали тантаналари». ЧССРдан олиб кўрсатилади. 12.00 «Ёрда, самода ва денгизда». 12.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Буратино саргузашти». 2-серия. 13.40 «Мўъжизасизмўъжизалар». 14.40 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 15.25 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади. 16.00 Мультфильмлар.

16.25 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 16.55 А. ва П. Тур. «Ягона гувоҳ». М. Горький номли СССР Иттифоқи Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 18.50 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Жальгирис» — «Динамо» (Тбилиси). МАСК универсал спорт залидан олиб кўрсатилади. 19.30 Воронеж область қўшиқлари. 20.00 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Эрмитаж. «XVII - XVIII асрлар Италия санъати». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Регби бўйича Европа чемпионати. СССР —Италия терма командалари. Киевдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Пойгачилар». Бадиий фильм.

**Узбекистон телевиденнесининг программаси**

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Бензоколонка маликаси». Бадиий фильм. 11.25 «Ўзбекистон спорти» (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Кувноқ стартлар». 12.55 «Машаққатли километрлар». Автомобиль транспорти ходимлари кунига бағишланган кинопрограмма. 14.00 Реклама.

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз». 18.30 «Бугун — Автомобиль транспорти ходимлари куни». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!». 20.30 «Ахборот». 20.50 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Санъат усталари — ҳосил усталарига». 23.30 Кўрсатувлар программаси.

**ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

9.00—13.40 МТ II.

14.10 Кўрсатувлар программаси .14.15 «Бургутча». Бадиий фильм. 15.30 «Рейс давом этади». Автомобиль транспорти ходимлари кунига бағишланган телефильм. 15.40 «Қирғиз киноси кеча, бугун ва эртага». Кинокўрсатув. 16.50 «Учинчи меҳнат семестри». «ССО-83»иш якунлари ҳақида. 17.20 Санъат усталарининг концерти. 17.50 «Буюк ялангоёқлар». Бадиий фильм. 19.20 Москва. «Халқаро панорама». 20.05 Фрунзе. Чорин дараларида». Манзарали фильм. 20.20 «Бугун— Автомобиль транспорти ходимлари куни». 20.30 «Сен суйгон обон». К. Эралиева. 21.30 МТ II.


● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

4 НОЯБРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ЦИРК ЮЛДУЗЛАРИ»

«СУВ ЖОЗИБАСИ»

АТТРАКЦИОНИ

(икки бўлимда)

**Раҳбар:** РСФСР халқ артисти, халқаро ва Бутуниттифоқ конкурслари лауреати, Европа ва халқаро «иллюзиончилар лигаси»нинг юксак мукофоти «Сеҳрли тилла таёқча» совриндори ИЛЬЯ СИМВОЛОҚОВ

**Москва цирки масҳарабозлари Зиновий МАЛКОВ — Александр ТРЯПИЦИН доимо хизматда.**

**Томошалар 4, 5/XI да 19.30, да, 6, 7/XI да 12, 16 ва 19.30 да, 8/XI да 10, 13, 16.00 да, 9/XI да 12, 15.00 да бошланади.**

**Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.**

**Олдиндан билет сотиш кассалари ишламоқда.**

**Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.**

ГИТАРАНИНГ ЯНГРОҚ ОВОЗИ

ЁШЛАР ҲАМ, МУЙСАФИД ҚИШИЛАР ҲАМ ГИТАРАНИ ҚЎЛГА ОЛИБ ДИЛ СЕВГАН ҚУЙЛАРНИ ЗАВҚ БИЛАН ЧАЛАДИЛАР. ҚАДИМИЙ РУС РОМАНСЛАРИ ҲАМ, ЗАМОНАВИЙ ҚУВНОҚ ҚУШИҚЛАР ҲАМ ГИТАРАДА ШУХ ИЖРО ЭТИЛАДИ.



САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қадимий ва ҳамиша навқирон бу чолғу асоби, романтиклар ва севишганларнинг ҳамиша яхши йўлдоши бўлиб келган.

Бугунги электр музикаси даврида ҳам гитара аввалгидек навқирон.

«УЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИДА

«Соло», «Бас» гитаралари, электрогитаралар, баянлар, аккордеонлар етарли миқдорда бор.

«УЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 42-95-91).


## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/Х да **Майсаранинг иши**, 26/Х да **Дон Кихот**, 27/Х да **Пиковая дама**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/Х да **Рўё**, 26/Х да **Парвона**, 27/Х да **Бой ила хизматчи**.

## КИНО

24, 25 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИКЛИ РАДЖА» — **Санъат саройи** (11.00, 13.30, 16.00, 18.20, 20.30; Телефон 44-21-74).

«МУДҲИШ САЕҲАТ» — **Санъат саройи** (Кичик зал, 12.00, 14.30, 17.00, 19.30).

«АЁЛЛАР ТАНГОСИ» — **Ватан** (жуфт соатларда), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** 65-87), **Қозоғистон** (11.00, 15.00, 19.00, 21.00; Телефон 35-24-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Москва** (19.00, телефон 33-05-01),